



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (11.699)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2010 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2010 йил 29 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашни, ундаги таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳамда шу асосда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини, унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш ва самарадорлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни сўзсиз амалга ошириш юзасидан кўрилатган тадбирлар 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,3 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ортиқ бўлмади.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги сотиш бозорларига фаол кириб бориш ҳисобига экспорт ҳажмининг 14,3 фоизга ўсиши таъминланганлиги ҳамда ташқи савдо айланмасининг сезиларли миқдордаги ижобий салдосига эришилганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳисобот даврида жаҳоннинг 139 мамлакатига, шу жумладан, 26 янги мамлакатга товарлар ва хизматлар экспорт қилинди.

Ушбу масала бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари олдида экспорт маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)нинг турларини янада кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, сотишнинг анъанавий йўналишларида мавқени мустаҳкамлаш ва янги хорижий бозорларни ўзлаштириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисида Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини барқарор кредитлаш учун кредит ресурсларининг узоқ муддатли манбаларини жалб этиш, банкларнинг капиталлашувини ошириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг бажарилиши батафсил кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, кўрилатган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатлари ҳажми йил бошидаги нисбатан 41,8 фоизга ўсди, банкларнинг ресурс базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, бу эса кредит қўйилмалари 30,3 фоизга ўсишини таъминлаш имконини берди. Ҳисобот даврида ўзлаштирилган инвестиция кредитлари ҳажми 2,3 баравар кўпайди.

Тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботларида банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, айниқса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни, шу жумладан, банкларнинг балансларига берилган банкрот корхоналар негизидagi лойиҳаларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилиши, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилиши батафсил кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИ:

ЯНГИЛАНИШ САРИ ОДИМЛАР



Барчамиз учун энг улғу ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик айёми тобора яқинлашмоқда. Ўзгача шуқуҳли, ўзгача тароватли муборак айёмни ҳар бир юртдошимиз дилида олам-олам қувонч, меҳнатда улкан ютуқлар билан нишонлашга интилиши бежиз эмас, албатта.

Шаҳримиз туманлари ҳам байрам арафасида тобора чирой очмоқда.

Пойтахтимизнинг энг кенжа тумани ҳисобланган Бектемирда ҳам байрам шуқуҳи ҳукмрон. Барча соҳа вакиллари яратиш, яшнатиш, обод қилиш ишлари билан банд.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврига назар ташласак, туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришнинг таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилганлигининг гувоҳи бўламиз. Туман миқёсида ишлаб чиқаришнинг асосий ҳажмини «Сувмаш», «Нерудник», «Бектемир-спирт» акциядорлик жамиятлари, «Мармакс» қўшма корхонаси, «РВС Оптимум» ва «Қуов механика заводи» шўъба корхоналари таъминламоқда, десак муболаға бўлмайди. Мазкур субъектларнинг салмоқли ҳиссаси ўлароқ ўтган беш ой давомида 100,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда ўсиш суръати 115,7 фоизни ташкил этди.

«Махсус полимер за-



води», «Дэу Пэк Ко. ЛТД», «Фуолонг Индустриал», «Альпа Ташкент» каби ўнлаб кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан 920 та янги иш ўрни яратилди. Тумандаги бешта корхона маҳаллийлаштириш дастурида фаол иштирок этмоқда.

Бектемир тумани 2050 гектар майдонга эга бўлиб, бу ерда 27,9 минг кўп миллатли аҳоли 12 та маҳаллага бирлашиб, тинч-тотувликда истиқомат қилиб келмоқда. 5 та мактаб, 12 та мактабгача таълим муассасаси, Республика телевидение ва радио коллежи, кўплаб мада-

ният ва спорт мажмуалари туман ёшлари камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Баркамол авлод йили муносабати билан жорий йил якунига қадар яна бир нечта иншоот фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, аждоқларимизнинг эзгу ниятлари ушалган қутлуғ айёмни ҳар бир ватандошимиз қаторида бектемирликлар ҳам самарали меҳнат билан кутиб олишга бел боғлаган.

(Бектемир туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ ЯҚИНДА

Остона шаҳрида бўлиб ўтган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича халқаро олимпиадада совринли ўринларни қўлга киритган ўзбекистонлик ёшлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тантанали равишда кутиб олинди.

✓ КОРХОНАЛАР,

ташкilotлар ва муассасалар ҳисобчилари ўртасида эълон қилинган «Йилнинг энг яхши бухгалтери» ва «Йилнинг энг яхши аудитори» кўрик-танловларининг якуний босқичи ғолиблари аниқланиб, «Солиқ инфо» газетаси тахририяти томонидан тақдирланди.

✓ ТОШКЕНТ

фотосуратлар уйида «Давр билан ҳамохан байрам» мавзусидаги фоторассомларнинг ижодий ишлари кўргазмаси очилди. Тадбир Халқаро фотография кўнига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон фоторассомлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилди.

✓ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

номидagi Тошкент Давлат техника университети талабалари ўртасида спортнинг етти тури бўйича «Баркамол авлод — келажакимиз пойдевори» шиори остида турнир ўтказилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон экологик ҳаракати Жиззах вилояти бўлими ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида вилоят марказидаги «Ҳамзабод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Аҳолининг экологик маданиятини ошириш — баркамол авлоднинг тарбиялашнинг муҳим омили» мавзусида семинар ташкил этилди.

• Нукусда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

• Марғилон шаҳридаги «Марғилон Осие текс» масъулияти чекланган жамияти ўтган йили амалга оширилган модернизация ишларидан сўнг барқарор фаолият кўрсата бошлади. Корхонага Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг 1 миллион 192,3 минг АҚШ доллари миқдоридagi узоқ муддатли кредити эвазига Хитой давлатида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Натижада илгариги 67 нафар иш ўрни тикланиб, яна юзга яқин янги иш жойи очилди.

• Навбахор туманидаги «Янгикўрган» қишлоқ фуқаролар йиғинида ёш тадбиркор Убайдулло Сайдуллаев хусусий сектор ривож учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва шу орқали ўн нафар ҳамқишлоғини иш билан таъминлади. У очган кичик корхонада буюртма асосида темир дарвоза, эшик ва дераза ромлари, ихота панжаралари тайёрланади.

• Пешку туманидаги «Ҳамро Раҳмон чорва» фермер хўжалиги негизида паррандачилик йўлга қўйилди. Амалга оширилган савий-ҳаракатлар натижасида қисқа давр ичида аҳоли дастурхонида 1 тонна парранда гўшти ва 65 минг дона тухум етказиб берилди.

• Марғилонда туркиялик тадбиркорларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши остида «Оршахтес» қўшма корхонаси фаолият бошлади. Корхона тўлалигича компьютерлаштирилган бўлиб, бу ерда юздан ортиқ турдаги тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Корхонанинг иш бошлаши билан 250 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Қоҳирада Миср Президенти Хусни Муборак билан Исроил Бош вазирини Беньямин Нетаньяху ўртасидаги учрашув чоғида Миср воситачилигида Фаластин ва Исроил ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

• «Бритиш петролеум» компанияси томонидан Мексика кўрфазидagi шикастланган нефть қувурига ўрнатилган мослама 15 июлдан буён синовдан ўтказилмоқда. Оқ уй ушбу мослама ўрнатилгандан сўнг нефть сизиб чиқмаётганлигига шубҳа билдириб, компаниядан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот сўрамоқда. Айтиш кераки, шу вақтга қадар «Бритиш петролеум» компанияси нефтнинг океанга тарқалишининг олдини олиш юзасидан жами 3,5 миллиард долларга яқин маблағ сарфлади.

• Кеча Австрия пойтахти Вена шаҳрида СПИД касаллиги тарқалишининг олдини олиш муаммоларига бағишланган Бутунжаҳон конференцияси очилди. Унда курраи заминнинг кўплаб мамлакатларидан 25 мингга яқин киши қатнашмоқда.

• Кеча Ҳиндистоннинг гарбий Бенгалия штатида Калькутта шаҳридан 200 километр нарироқда темир йўл ҳалокати рўй берди. Яъни ҳаракатланаётган тезюрар поездининг станцияда тўхтаб турган йўловчи поезидига келиб урилиши натижасида 40 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳалокат сабаблари ҳозирча номълум.

• Кеча Жанубий Африка Республикасида ушбу мамлакатнинг собиқ президенти, 67 йил давомида тинчлик ва эркинлик, инсон ҳуқуқлари йўлида кураш олиб борган Нельсон Манделанинг таваллудига 92 йил ўлиши БМТ томонидан илк бор Нельсон Мандела кунини сифатида нишонланди.



БЕКТЕМИР ТУМАНИ: ЯНГИЛАНИШ САРИ ОДИМЛАР



Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Махсус полимер заводи» масъулияти чекланган жамияти ҳам туман ва шаҳар иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган корхоналар сирасига киради. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш жараёнига Германия ва Хитой давлатларининг етакчи фирмалари технологиялари жорий этилган. Шу боис ҳам маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2000 халқаро сертификатига эга.

Корхонада замонавий техника ва технологиялар асосида тайёрланаётган сув ва газ полиэтилен қувурлари, қувурлар учун боғловчи қисмлар, филтрлар, томчилаб сугоришга мўлжалланган қувурлар — 100дан зиёд маҳсулот турлари кўплаб афзалликлар билан ажралиб туради. Кўплаб соҳаларда қўл келувчи бундай қувурларнинг ўртача ҳизмат кўрсатиш мuddати 80-100 йилни ташкил этади.

Бугунги кунга келиб ишлаб чиқарувчиларга яратилаётган имкониятлар боис кўплаб маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланишига асос бўлаётир. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан экспорт ҳам қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, корхоналарни қайта жиҳозлашга қаратилган дивертурлар ўз самарасини бермоқда, — дейди «Махсус полимер заводи» масъулияти чекланган жамияти тижорат директори Дониёр Файзуллаев. — Изчиллик билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ривожланиш давом этмоқда. Ишлаб чиқаришнинг тўғри ташкил этилиши, харидорчи маҳсулот турлари кўпайиши, маҳаллийлаштириш асосида иш юритилиши, экспорт ҳажми ор-

тиб бориши, албатта, буюртмалар кўпайишида муҳим аҳамият касб этади. Корхонамизда ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Ўтган вақт ичида 1,8 миллиард сўмлик полиэтилен қувурлари тайёрланди.

49 нафар малакали ишчи-ҳизматчи меҳнат қилаётган корхонада маҳсулот сифатига қаратилган эътибор туфайли йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, харидорчи маҳсулот турларини яратиш устида ҳам изланишлар давом этмоқда.

• Туман аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида Мустақиллик байрами тўғрисида сифатида янги «Бектемир» савдо мажмуаси ўз ишини бошлади.

• Жорий йилнинг беш ойи давомида туман корхоналари томонидан маҳал-

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

лийлаштириш дастури асосида 7,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

• Яқинда туманда «Mitstroyservis», «Triumfiratqurilish» масъулияти чеклан-

ган жамиятлари ва хорижий инвестиция иштирокидаги «Sina-textile» корхонаси фойдаланишга топширилди.

• Маҳаллалар ҳудудидан 9 та болалар майдончаси

ҳомийлар кўмағида қуриб битказилди.

• Бектемир тумани бандликка кўмаклашувчи маркази маълумотига кўра, ҳўжалик юри-тувчи субъектлар томонидан биринчи ярим йилликда 127 та қасаначилик иш ўрни яратилган.

Бунёдкорлик

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

Ҳар бир юртининг бугуни ва келажаги таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан белгиланади. Бинобарин, бизнинг эртанги кунимиз, мамлакатимиз тараққиёти, миллатимиз истикболи шу қўлтуғ заминда вояга етаётган ўғил-қизлар камоли билан чамбарчас боғлиқ.

ларига қарамай, тубдан таъмирланаётган 570, 580, 584-мактабларда ишлар қизгин паллага кирган. Дарҳақиқат,

ушбу замонавий кўринишга ҳамда янги ўқув жиҳозларига эга ёруғ, шинам мактаблар ҳадемай янги ўқув йилида

ўғил-қизларни ўз бағрига олади.

Баркамол авлод йилида мактабгача таълим муассасалари-

га катта эътибор қаратилиб, айниқса бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёймоқда. Яқин кунларда иккита мактабгача таълим муассасасида жорий таъмирлаш ишлари амалда тугатилди.

Бундан ташқари, туманда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг кўркам, қатор қулайликларга эга замонавий биноси ҳам фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Бу ерда ҳомий ташкилотлар кўмағида 645 миллион сўмлик қурилиш ишлари қўли гул бунёдкорлар томонидан амалга оширилди.

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган авлодининг таълим-тарбияси, жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар фарзандларимизга бўлган юксак ғамхўрлик ифодасидир. Деярли ҳар йили жаҳон андозалари даражасида қад ростлаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, халқ таълими муассасалари, кўплаб спорт мажмуалари ўғил-қизларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Ёшлар — келажакимиз

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

— Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи ушбу йўналишда Марказий Осиёда ягона таълим муассасаси ҳисобланади —

дейди директор Комилжон Режепов. — Ўтган йилдан ўз фаолиятини бошлаган коллежда асосий фанлардан ташқари, еттита касб йўналиши бўйи-

ча таълим берилади. Ўқув синфлари, лингафон, компьютер, амалиёт ва тиббиёт хоналари, спорт мажмуаси зарур ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Асосий фаолиятимиз бевосита ҳамкорларимиз билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ўзбе-

кистон Миллий телерадиокомпанияси, яна бир қатор олий ўқув юртлари бизнинг ўқувчиларимизга мутахассислик бўйича кўникма ҳосил қилишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Жорий ўқув йилида 300 нафар ёшларни телевидение ва радиода операторлик иши, радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларига техник хизмат кўрсатиш, овоз оператори, видеомонтаж, махсус ёритиш, компьютер ва компьютер тармоқларини монтаж қилиш, соझлаш ва ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилиш арафасидамиз.

Саҳифа материалларини Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган 223 та ер массивида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй қурилиши амалга оширилиб, уларнинг 2010 йил учинчи чорақда фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда, янги қишлоқ турар жой массивларида тугаш 213,9 км узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини қуриш тугалланди. Ҳисобот даврида қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги корхона, шу жумладан, 25 та гишт ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига «Давархитектурилиш» кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2011 йилда қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш дастурини бажариш доирасида, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрალი участкаларини қуриш объектларида 190,6 млрд сўм ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди, йўлбўйи инфратузилмаси ва сервис объектлари қурилмоқда ва фойдаланишга топширилмоқда. 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажми 22 фоизга ўсди, «Ангрен» логистика маркази ўз фаолиятини бошлади.

Мажлиснинг кун тартиби доирасида нақд пул айланишини янада такомиллаштириш, нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ тушилиши таъминлаш ва пластик картчалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш доирасида чиқарилган пластик картчалар ва ўрнатилган терминаллар сони 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан мос равишда 38,7 фоизга ва 66,5 фоизга ошди, шунга мувофиқ пластик картчалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2,7 баравар кўпайди.

Мажлис иштирокчилари томонидан нақд пулсиз муомалани кенгайтириш ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши сабабларини бартараф этишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар қўриш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, ҳўжалик бирлasmалари ва йирик корхоналарнинг барқарор ишлашини, молиявий мустаҳкамлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш дастурларини сўзсиз бажариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қурилатган чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши 7,1 трлн сўм миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштириши, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 1,3 баравар кўп ўзлаштириши таъминланганлиги қайд этилди. Ишлаб чиқаришни техник модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, шунингдек, 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш давомида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашга доир дастурий чора-тадбирлар бажарилишини сўзсиз таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди.

Тармоқларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада ошириш мақсадида Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига иқтисодиёт тармоқларида энергия сифimini қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш бўйича ўрта мuddатли истиқболга мўлжалланган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисида 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишини, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қабул қилишни таъминлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ишларининг натижадорлигини муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирлар қўрилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида 509 мингтадан ортиқ иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этиш таъминланганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари олдида, биринчи навбатда, ташкил этилаётган иш ўринлари сонини кўпайтириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА)

2010 йил — Баркамол авлод йили

ХАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУР

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мусиқа санъати воситасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, фидойилик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини камол топтириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекинаво» эстрада бирлашмасида шоир, бастакор ва хонанда ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбатига айни жихатларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда ёзувчи ва шоирлар, бастакорлар, хонандалар ҳамда талабалар иштирок этди, деб хабар беради ЎЗА.

«Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Хайдаров, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Мирғўлал Мирзо, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ва бошқалар истиқлол йилларида миллий санъатимизнинг барча йўналишлари каби мусиқа санъатини изчил равишда топтириш, халқимизни миллий ва жаҳон мусиқасининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш, истеъдодли хонандаларни ҳар томонлама рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлади.

Миллаштириш, мазкур йўналишдаги билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар, услубий қўлланмалар билан таъминлаш, педагогларнинг меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, турли ижодий лойиҳалар, фестиваллар, ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти учун кўрик-танловларни мунтазам ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган эзгу ишлар ёшларнинг бадий диди ва тафаккурини тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда.

Юртимизда эстрада санъатини янада ривожлантириш, истеъдод соҳибларининг профессионал малакаси, ижро маданиятини юксалтириш, ёш санъаткорларнинг ўз қобилиятини намоён этиш учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мазмунан теран, бадий юксак мусиқий асарларни кенг тарғиб этиш, мазмунан саёз, энгил-елпи кўшиқлар пайдо бўлишининг олдини

олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Давра суҳбатига халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи, истиқлолимиз, табаррук заминимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини, ёшлар истиқболли йўлидаги ғамхўрлик ва эътиборни тараннум этувчи, мазмунан теран, бадий юксак кўшиқларнинг яратилишида бастакор, хонанда ва шоирларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги яхши самара бериши таъкидланди. Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси ва бир қатор ижодий ташкилотлар томонидан бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, ижодкорларнинг яқин ҳамкорлиги учун зарур шароитларни яратиш юзасидан қатор лойиҳалар, ижодий учрашув ва анжуманлар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатига санъаткорлар, айниқса ёш ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, гастроль-концерт фаолиятини такомиллаштириш, ижодий кўрик-танловлар учун яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мазмунан теран, бадий юксак мусиқий асарларни кенг тарғиб этиш, мазмунан саёз, энгил-елпи кўшиқлар пайдо бўлишининг олдини

Назokat УСМОЛОВА

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЯҚДИЛЛИК

Йиғилишда вазирликлар раҳбарияти, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, олий ўқув юртли ректор ва проректорлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз Президентининг жорий йил 1 июлдаги «2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорининг жойлардаги ижросини таъминлаш, мамлакатимиздаги мавжуд касб-хунар таълими муассасаларига ўқувчи-ёшларни қамаб олиш, уларнинг иқтидорига қараб, таълимга йўналтириш ҳамда бу борада мутасадди раҳбарлар фаолиятини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўз олган Ўрта махсус касб-хунар таълими вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Жавлоннинг таъкидлашича, бугунги кунга қадар 595692 нафар тўққизинчи синф битирувчиларидан 587042 таси 142 та академик лицей ва 1394 та касб-хунар коллежига қамаб олинган кувонарли холдир.

Йиғилишда таълим-тарбия жараёнларини янги сифат босқичига қўтаришда таълим

бўғинларида ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди.

— Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумимиллий дастури доирасида 8,5 мингдан зиёд мактаб тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, моддий техник негизи тўлиқ мустаҳкамланди, — деди Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Жаҳонгир Мусаев. — Эндиликда энг катта вазифа таълим мазмунини янгилаш, такомиллаштириш ва сифат кўрсаткичларини оширишдир. Бунинг учун аввало ўқитувчи-мураббийларнинг замон талабига мос малакасини оширишга эришиш лозим. Вазирлик ташаббуси билан амалдаги малака ошириш тизимига янгилик киритиш мақсадида «Устоз-шоғирд» мактаби яратилди. Мақсад педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини оширишни ташкил этишдир.

Йиғилишда шу кунгача касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қамаб олинмаган ўқувчилар юзасидан мутасаддилар ўртасида фикрлар алмашилди.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»



Турмуш ўртоғим билан ажрашиб кетганимга беш йил бўлди. Утган вақт давомида учта болам учун алимент олирдим. Гоҳ уни, гоҳ буни сабаб қилмоқда... Бир танишим алимент тўлашда ҳам ўзаро келишув бўлади, деб қолди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Н.Сафеева, Сергели тумани

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида тузилади. Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади.

Оила кодексининг 184-моддасига асосан васий васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга, васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга ҳақлидир.

Келишув ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Ушбу шаклга риоя қилмаслик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига назарда тутилган оқибатларга олиб келади. Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг бажарилишини бир тарафлама рад қилишга ёки унинг шартларини бир тарафлама ўзгартирилшга йўл қўйилмайди.

Тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолида жиддий ўзгаришлар юз берганда ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида улар ўзаро келишга олганда, манфаатдор тараф келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини ҳал қилишда тарафларнинг эътиборга лойиқ ҳар қандай манфаатини ҳисобга олишга ҳақли.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментларнинг миқдорини тарафлар шу келишувда белгилайди.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментнинг миқдори алимент суд тартибда ундирилганда болалар олиши мумкин бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак. Оила кодексининг 99-моддасига асосан вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг хар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — ундан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярми миқдориди ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан қамайтирилиши ёки қўлайлирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг ундан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 4-қисмида мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, дейлади. Шунингдек, ФҚСнинг 116-моддасига асосан қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича алимент тўлаш усуллари ва тартиби шу келишув билан белгиланади.

Алиментлар алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушларда; вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада — мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича тўланадиган алимент миқдорини индексация қилиш шу келишувга мувофиқ амалга оширилади. Агар алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда индексация қилиш тартиби кўрсатилмаган бўлса, индексация Оила кодексининг 144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи (ташкilot маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида, шунингдек унинг янги иш, ўқиш жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижросисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериши шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс Оила кодексининг 138-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатда ўз иш, ўқиш жойи ёки турар жойи ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади тўғрисида суд ижросисини ҳамда алимент олувчи шахсни хабардор қилиши шарт. Юқорида кўрсатилган маълумотларни белгиланган муддатда узсиз сабабларга қўра хабар қилмаган тақдирда, айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Дилноза АДИЛОВА, Юнусобод тумани 1-давлат нотариал идораси нотариуси

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасида доимий диққат-эътиборда.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси бўлими билан ҳамкорликда кўни кеча ўтказилган «Баркамол авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни» мавзусидаги ўқув-семинарда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди. Тадбирда туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, «Маҳалла» жамғармасининг хотин-қизлар йўналиши бўйича бош мутахассислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

Семинарнинг ўтказишдан мақсад, — деди шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова, — ҳар

рида жамоат тузилмалари олдида ҳам катта вазифалар кўйилган. Айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш, «соғлом она — соғлом бола» дастурини кенг тарғиб этиш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш борасида маҳалланинг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни алоҳидадир. Му-

аммоларни ҳал этишда ёса мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилсагина, самарали натижаларга эришиш мумкин. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг кўмаги ҳам айни муддаодир, чунки фар-

шаҳар прокуратураси вояга етмаганлар бўлими прокурори А.Муҳаммадбоқиев, Адлия бошқармаси ФХДЁ бўлими бошлиғи Г.Иномжонов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими М.Хайдаров, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси мутахассиси М.Раҳматуллаевлар ўз йўналишлари бўйича оилалар фаровонлигини таъминлаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси борасида қилинаётган ишлар билан ўртоқлашиб, маҳалла билан ҳамкорликдаги фаолиятлари устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишди.

Кизгин савол-жавоблар, тақлиф-мулоҳазалар асосида ўтган семинарда қилинган ишлар хусусида ҳам келишди олинди. Анжуман якунида йиғилганларга Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган «Жаҳолат» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Дилором ИКРОМОВА

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ

Семинар жойларда юзага келаяётган муаммоларни ўртага ташлаш ва биргаликда ҳал этиш, қолаверса, тажриба алмашиш учун энг қулай фурсатдир.

— Бевосити аёлларга оид масалаларда ёрдам беришда фуқаролар йиғинининг ёшлар билан ишлаш, яраштириш комиссиялари фаолияти алоҳида ўрин тутади, — дейди «Маҳалла» жамғарма-

зандларимиз мурғак қалбига авваламбор тўғри йўлни уларнинг тенгқурлари топа олиши мумкин. Унутмаслигимиз кераки, ёшлар нафақат оила, балки маҳаллада, кўни-кўшнлар муносабати остида шаклланиб, камол топади. Оилаларимиз тинчлигини сақлаш, қолаверса, таъминлашда ҳам маҳалланинг роли катта, деб ўйлайман.

Семинарда сўзга чиққан



Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида

Шариф Азимовнинг «Афросиёб афсоналари» мавзусидаги шахсий кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмалар

АФРОСИЁБ АФСОНАЛАРИ

Кулолчилик амалий санъатнинг энг қадими турларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ривожланиб келяпти. Унинг аъёнлари давом этишида, янги шакллар ва сиймолар билан бойитилишида Шариф Азимовнинг ҳиссаси катта.

Кулчилик амалий санъатнинг энг қадими турларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ривожланиб келяпти. Унинг аъёнлари давом этишида, янги шакллар ва сиймолар билан бойитилишида Шариф Азимовнинг ҳиссаси катта.

Кулолчилик амалий санъатнинг энг қадими турларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ривожланиб келяпти. Унинг аъёнлари давом этишида, янги шакллар ва сиймолар билан бойитилишида Шариф Азимовнинг ҳиссаси катта.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида якуний босқичи бўлиб ўтди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

ВАТАНИ КЎЙЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев мустақиллик — миллий ўзлгимиз, ор-номусимиз тимсоли, барча соҳаларда эришилган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида ҳамюртларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаганини таъкидлади. Истиқлолимизни, табаррук заминимизни, бугунги тинч, саодатли ва осойишта, фароҳбахш кунларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда, ҳимоялашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам хизмати катта. Айни пайтда соҳа ходимлари жонажон Ўзбекистонимизнинг тараннум этиш, ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат, фидойилик руҳида камол топтиришга қаратилган маърифий ишларда ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборлидир.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги барча идора ва муассасаларининг вакиллари ранг-баранг муносиқий асарлар билан қатнашди.

Танлов якунида Ички ишлар вазирлиги Ашула ва рақс ансамбли биринчи ўринга лойиқ топилди. Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, майор Гулнора Қобулова, вазирлик Ашула ва рақс ансамблининг артистлари Юлдуз Турдиева ва Умид Қаноатов иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ёнгин ҳақиқийлиги олий техник мактаби клуб бошлиғи, майор Савриддин Наҳмиев, Транспортдаги ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, капитан Бегали Маҳмадалиев, Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори, майор Ҳусниддин Йўлдошев учинчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА)

Гулноза РАСУЛОВА

Алексей Попов олган суратлар

Ёз — ўтмоқда соз

СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

Ёзнинг энг иссиқ кунлари турли тадбирлари мусобақаларда қатнашиб, янада мароқли ва завқли дам олаётган болажонлар учун ҳеч гап эмас. Фарзандларимиз таътилнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланишга интилоқда.



Шундан келиб чиққан ҳолда ёзги таътил вақтида ҳам ўқувчи-ёшларни турли спорт мусобақаларига, маҳалламиз қошида ташкил этилган тўғаракларга жалб этиб келмоқдамиз. Мақсадимиз Баркамол авлод йилида ҳар бир болага эътиборни янада кучайтириб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Эрталабдан карнай-сурнай навалари янграб, барчани катта спорт мусобақасига чорлаган Учтепа туманидаги 81-мактабга кириб келганимизда, тадбирга катта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдик.

— Еттинчи синф ўқувчисиман, — дейди дўстлари даврасида галабага интилиш лозимлигини қайта-қайта ўқираётган Хуррият Ортиқова. — Спорт жону дилим, унинг қайси бир йўналиши бўлмасин шуғулланишга ҳаракат қиламан. Мактабимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган. Ёзги таътил кунлари бошлангандан бери шахмат-шашка, стол тенниси бўйича тўғаракларга қатнашиб келмоқдаман.

Мактаб директори Зиёда Хайдарованинг таъкидлашича, қувноқ стартлар, стол тенниси, шахмат-шашка ва мини-футбол бўйича 81-ва 245-мактаблар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақа «Пахтакор» ва «Кўкча Оқтепа» маҳаллалари ташаббуси билан туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари билан ҳамкорликда уюштирилди. Тадбирнинг юқори савияда ўтишига ўқитувчи-мураббийлар ва ота-она-

лар бош-қош бўлган. — «Мактаб-оила-маҳалла» концепцияси асосида ёшларнинг таълим-тарбияси, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиб, соғлом бўлиши йўлида биргаликда

иш олиб боришни асосий вазифамиз деб биламиз, — дейди «Кўкча Оқтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Собит Имомов. —

тан тўғаракларга жалб этиб келмоқдамиз. Мақсадимиз Баркамол авлод йилида ҳар бир болага эътиборни янада кучайтириб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Бевосита мусобақа тафсилотларига келсак, икки мактаб вакиллари ўртасидаги қизгин беллашувларда дўстлик галаба қозонди. Ҳар бир қатнашчига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маҳаллалар томонидан таъсис этилган совғалар топширилди.

Тадбир доирасида 81-мактаб қошидаги «Турон» қаратэ тўғараги тарбияланувчилари маҳоратини намойиш этиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлишди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

тори Хова Ҳамидова. — Бу борада «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан саҳоват кўрсатилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Уч мавсумда ташкил этилган оромгоҳнинг ҳар навбатида 191 нафар бола ҳордиқ олади. Болалар мириқиб дам олиш билан биргаликда, «камолот»чилар кўмагида Тошкент ҳайвонот боғи, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Темуррийлар тарихи ҳамда санъат музейларига саёҳат ҳам қилишади.

Азима ҚИЁСОВА

Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб қошидаги «Қалдирғоч» ёзги дам олиш оромгоҳида ушбу мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

бадий чикишлари барчада катта қизиқиш уйғотди. «Қалдирғоч» оромгоҳида етти тўғарак фаолият юритмоқда. «Моҳир қўллар», «Миллий қилишга имкон яратмоқда. Шунингдек, бу ерда болажонлар 10 дан зиёд спорт турлари би-

лан ҳам мунтазам шуғулланмоқда. — Оромгоҳда дам олаётган болаларнинг кўпчилиги асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига 249-мактаб дирек-

тор Хова Ҳамидова. — Бу борада «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан саҳоват кўрсатилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Уч мавсумда ташкил этилган оромгоҳнинг ҳар навбатида 191 нафар бола ҳордиқ олади. Болалар мириқиб дам олиш билан биргаликда, «камолот»чилар кўмагида Тошкент ҳайвонот боғи, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Темуррийлар тарихи ҳамда санъат музейларига саёҳат ҳам қилишади.

Азима ҚИЁСОВА

Спорт янгиликлари

ЮҚОРИ ЧЎҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАБ...

Жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда илк маротаба бўладиган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан 22 нафар иқтидорли ёшлар спортининг ўн тўрт тури бўйича мусобақаларда иштирок этади. Олимпиада ўйинларининг саралаш турниридан муваффақиятли ўтган уч боксчимиз — Аҳмаджон Мамажонов, Сардорбек Бегалиев ва Зоҳиджон Ҳурбоев ҳам бўлажак беллашувларга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида спортни, жумладан, боксни ривожлантириш мақсадида қўлланган ишлар самарасида ўзбек бокс мактаби жаҳонда етакчилар қаторидан жой олди. Юртимизда қўллаб-қувватланадиган Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари тарбияланди.

— Ўзбек бокс мактаби дунёда ўз мавқеи, обрў-эътиборига эга, — дейди бокс бўйича ўсмирлар терма жамоаси катта мураббийи Марат Қурбанов. — Юртимизда камол топган чарм қўлқоп усталари ҳар қандай мусобақада юқори ўринларни эгаллашга анъанага айланган. Бокс бўйича терма жамоаси Сингапур Олимпиадасида ҳам медаллар учун курашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч боксчилни дастурда истеъдодли ёшларни йирик спорт анжуманларига ҳар томонлама тайёрлаш

алоҳида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон бокс федерацияси спортчиларимизнинг бўлажак мусобақага пухта ҳозирлик қилиши учун етарли шароитларни яратиб берди. Боксчиларимиз малакали мураббийлар ва мутахассислар бошчилигида қўлайитрилган машғулотларни ўтамоқда. Маъшқ жараёнида олинган билим ва кўникмалар халқаро миқёсдаги мусобақаларда синовдан ўтказилаётди.

Бундан ташқари, Сингапур Олимпиадасига борадиган уч нафар боксчимиз бўлажак беллашувларга пухта тайёргарлик қилиш мақсадида Тошкент вилоятидаги Янгибод спорт базасида икки боксчилик ўқув-машғулоти йиғинларини ўтамоқда. Спорт базасининг тренажёр хонаси, бокс зали, ётоқхона ва ошхонаси барча қўлайликларга эга. Мураббийлар спортчиларнинг жисмоний, техник, тактик ва руҳий тайёргарлигини ошириш учун машқларни очик ҳавода, тоғ ёнбағирлари ва сой бўйида олиб бормоқда.

...Халқаро олимпиада кўмитаси қарорига кўра, Сингапурда рингга чиқаётган боксчиларга олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш учун биргина имконият берилди. Дунёнинг юздан зиёд мамлакатидан келган 532 нафар боксчи иштирокида ўтказилган

Озарбойжондаги жаҳон чемпионати ўсмирлар Олимпиадасининг ягона саралаш турнири бўлди. Унда Аҳмаджон Мамажонов ва Сардор Бегалиев қумуш, Зоҳиджон Ҳурбоев бронза медалини қўлга киритиб, ўсмирлар Олимпиадасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Мусобақа қоридасида бир мамлакатдан кўпи билан учта боксчи қатнашиши белгиланган. Ўзбекистон эса Сингапурга тўлиқ таркиб — уч нафар боксчи билан борадиган санокли терма жамоалардан биридир.

Мухлису мутахассисларимизнинг наманганлик Аҳмад Мамажоновдан умиди катта. Кучли техника, мустаҳкам ҳимоя ва тезкор зарбага эга бўлган ёш боксчимиз беш йилдан беш мамлакат биринчилигида мағлубиятсиз иштирок этмоқда. Жорий йилда унинг галабалари сонини салмоғи ҳам ошди. Эронда ўтказилган кўпга биринчилигида барча рақибларини енгиб, Осиё чемпиони бўлди, Озарбойжонда эса қумуш медални қўлга киритди.

— Баркамол авлод йили мен учун жуда омадли келди, — дейди А.Мамажонов. — Осиё ва жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятли одимларимни Сингапурда илк маротаба ташкил этила-

диган ўсмирлар Олимпиадасида ҳам давом эттиришга ҳаракат қиламан. Дунё ёшларининг бу спорт анжумани халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида бўлади ва биз юртимиз шодлиғасига муносиб совға тайёрлашга астойдил ҳаракат қиламиз. Зеро, жаҳон майдонларида ўзимиз туғилиб ўсган озоод ва обод юрт шаънини ҳимоя қилиш имконига эга бўлганимиз истиқлолимиз шарофатидир.

Тошкент вилояти вакили Сардор Бегалиев ҳам мамлакатимизнинг истеъдодли боксчиларидан. С.Бегалиев Ўзбекистон, Россия, Украинада ташкил этилган нуфузли халқаро турнирларда шохсупага кўтарилди. Бу йил Осиё чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган ёш боксчимиз, жаҳон чемпионатида шахсий кўрсаткичларини яхшилаб, қумуш медал ва олимпиада йўлланмасига эга бўлди.

Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Зоҳиджон Ҳурбоев жаҳон спортдаги янги номлардан. Озарбойжондаги жаҳон чемпионати Зоҳиджоннинг фаолиятидаги дастлабки йирик мусобақа бўлди. Чаққон ҳаракатлари билан ажралиб турадиган ҳамюртимиз кучли рақиблари — непаллик Сабин Непали, индонезиялик Иrfан Тентонда, польшалик Давид Себастьян Ягодзински, марокшалик Муҳаммад Ҳаммоудни енгиб, шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Сингапур Олимпиадаси ўсмирлар учун катта спортга қадам қўйиш олдидан тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз. Ўзбекистонлик ёш боксчилар учун ҳам Сингапурдаги беллашувлар 2012 йили Лондонда ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик боксчиси бўлиб хизмат қилади.

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шу йилнинг 3-17 октябр кунлари Хитойда ўтказилаётган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг «В» гуруҳида Ироқ, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Баҳрайн футболчилари билан рақобатлашади. Бўлажак учрашувларга пухта тайёргарлик кўраётган футболчиларимиз навбатдаги ўқув-машғулоти йиғинини Австрияда ўтказмоқда.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Ёшлар терма жамоасига устозлик қиладиган Марат Кабаев бу галги машғулотларга йиғирма уч нафар футболчини жалб қилди. Ҳамюртларимиз Австрияда жисмоний, техник, тактик ва руҳий тайёргарлик машғулотларидан ташқари бешта ўртоқлик учрашуви ўтказиши режалаштирилган.

М.Кабаев шогирдлари дастлабки ўртоқлик ўйинида мезбонларнинг «Улирих» жамоаси билан куч синашди. Хужумкор ўйин намойиш этган футболчиларимиз рақиб жамоани 10:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Исроил Эргашев ва Сардор Рашидов иккитадан, Александр Лупашко, Сардор Мирзаев, Владимир Козак, Мирғиёс Сулаймонов, Павел Смоляченко ва Темурхўжа Абдухалиқов биттадан голга муаллифлик қилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Ўза муҳбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Беш кунлик дунёга кўнгил боғлама,
Ранжу ситамидан куйиб йиғлама.

Меҳнатинг меваси бошқага қолур,
Еб-ичмай тўпласанг, душманинг олур.

Дунёга ишонма, кўнгил боғлама,
Дунё аламидан дилинг доғлама.

Унда вафо йўқдир ва йўқдир бақо
Шундайдир бошидан-охир бу дунё.

Не қилгунг қўлингда бўлмагач чора,
Чорасиз юракни айлама пора.

Тақдир ёмонлиқни кўрганда раво,
Сабоқ ол, ундан ҳам ёғилсин зиё.

Қулоққа ёқмаган сўзни сўйлама!
То жондан кечмасанг жонона йўқдир.

Ёмон одам ёмонлиги қолмайди.
Доно киши сўз маънисин англайди.

Яхши одам ўз элидан кетарми?
Бошқа элга келиб тўрга ўтарми?

Ўз элида иш келмаса қўлидан, Бегона элида мақсадга етарми?

Бу дунёдан ҳеч ким кўнгли тўлмайди,
Бардош қилмай бошга давлат кўнмайди.

Ҳар кимки агар кўркса жонидан,
Таваккалчи бўлмай ботир бўлмайди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3840 нуска босилади.
Қороз бетаси А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.
123 5

Буюртма Г-606
Топширилган вақти: 15.40